

**БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/01.02.2022.tib.147.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ИБРАГИМОВ АХРОРЖОН ВАЛИЖОНОВИЧ

**ЧАҚАЛОҚЛАРДА ВА КЎКРАК ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА ТУҒМА
ҚИСМАН ИЧАК ТУТИЛИШИНИ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ**

ТАКТИКАСИНИ ТАНЛАШ

14.00.35 – Болалар хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ибрагимов Ахроржон Валижонович

Чақалокларда ва кўкрак ёшдаги болаларда туғма қисман ичак тутилишини ташхислаш ва даволаш тактикасини танлаш.....3

Ибрагимов Ахроржон Валижонович

Диагностика и выбор тактики лечения врожденной частичной кишечной непроходимости у новорожденных и детей грудного возраста27

Ibragimov Akhrorzhon Valizhonovich

Diagnosis and choice of treatment tactics for congenital partial intestinal obstruction in newborns and infants.....50

Список опубликованных работ

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works.....55

**БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/01.02.2022.tib.147.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

**ИБРАГИМОВ АХРОРЖОН ВАЛИЖОНОВИЧ
ЧАҚАЛОҚЛАРДА ВА КЎКРАК ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА ТУҒМА
ҚИСМАН ИЧАК ТУТИЛИШИНИ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ
ТАКТИКАСИНИ ТАНЛАШ
14.00.35 – Болалар хирургияси**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестацион комиссиясида № В2023.1.PhD/Tib3424 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент Педиатрия Тиббиёт Институтида бажарилган.

Диссертациянинг автореферати уч тилда (узбек, рус, инглиз (резюме)) тилда Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида www.bmtm.uz ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Саттаров Жамолиддин Бахронович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Акилов Хабибулла Атауллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Агзамходжаев Саиданвар Талатович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация химояси Болалар миллий тиббиёт маркази хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/01.02.2022.Tib.147.01 рақамли илмий кенгашнинг 2025й. «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Тошкент, Яшнабод тумани, Паркент кўчаси, 294, (Миллий Болалар Тиббиёт Маркази) Тел/факс (+99855) 503-03-66, e-mail: ilmiy.kengash@bmtm.uz).

Диссертация билан Болалар миллий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№ _____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент шаҳар, Яшнабод тумани, Паркент кўчаси, 294-уй. 100140, Тел/факс (+99855) 503-03-66,

Диссертациянинг автореферати «__» _____ 2025 йилда тарқатилган.

(«__» _____ 2025 йилда № __ рақамли реестр баённомаси)

А.М. Шарипов

Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.С. Юсупов

Илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Н.Ш. Эргашев

Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, чақалоқларда туғма нуқсонларнинг учраш даражаси 2,5% дан 4,5% гача сақланиб қолмоқда. Бунда овқат ҳазм қилиш тизимидаги аномалиялар етакчи ўрин эгаллаб, уларнинг улуши 21,7% дан 25% гачани ташкил этади¹. Туғма ичак тутилишининг салмоғи эса нисбатан юқори бўлиб, умумий ҳолатларнинг 8-10% ни ташкил қилади². Шунингдек, туғма қисман ичак тутилиши (ТҚИТ) тирик туғилган чақалоқларда 1:10 000 дан 1:40 000 гача бўлган нисбатларда учраб, турли анатомик шаклларда намоён бўлади³.

Бутун дунё бўйлаб сўнгги ўн йилликларда туғма тўлиқ ичак тутилишининг антенатал ва постнатал диагностикаси яхши йўлга қўйилганлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Бироқ қисман ичак тутилиши ташхиси борасида ҳанузгача бир қатор муаммолар мавжудлиги кузатилмоқда. Ўз вақтида аниқланмаган ўн икки бармоқли ичакнинг қисман обструкцияси чақалоқнинг ривожланиш жараёнида сурункали дуоденал тутилишига олиб келиши мумкин^{4,5}. Шу билан бирга, ингичка ва йўғон ичаклардаги бундай ўзгаришлар боланинг ёшига мос ривожланишига халақит қилиб, дисбактериоз ва малабсорбция каби патологик ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Республикамизда ушбу касалликларнинг клиник жиҳатлари, ташхислаш масалалари ва даволаш тактикаси кенг ёритган умумлаштирувчи илмий ишлар саноклидир. Юртимизда туғилиш кўрсаткичлари ва унга монанд ҳолда туғма ичак тутилишига чалинган чақалоқларнинг салмоғи юқори эканлигини ҳисобга олсак, бу муаммони болалар жарроҳлиги, неонатология, реаниматология ва интенсив даволаш соҳаларидаги долзарб масалалар қаторига қўшиш зарур^{6,7}.

Мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги, “Янги Ўзбекистонни 2022-2026-йилларда ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги ПФ 60-сонли қарори билан тасдиқланган вазифалар⁸, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021-йил 26-июлдаги ПҚ-5198-сон қарори ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ижросига маълум даражада хизмат қилади.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш шароитида юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлаш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. ТҚИТ

¹Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ахборот бюллетени. 2010. https://apps.who.int/gb/ebwha/pdf_files/WHA63/A63_10-EN.PDF.

²Farrokhkhani P., Farhadi R., Ala S., Mousavi S.A. Etiology and Outcome of Intestinal Obstruction in Neonates: A 5-Year Investigation of Admitted Cases from a Tertiary Neonatal Intensive Care Unit in Northern Iran. Clin Med Insights Pediatr. 2023 Sep 12; 17:11795565231196771.

³Singh S., Srivastav S., Raj Singh G., Roshan Khan T. Intestinal Malrotation in Older Children – A Case Series of Delayed Diagnosis Int J Pediatr. 2024; 12 (02):18555-18562. DOI: 10.22038/ijp.2024.78490.5433

⁴Козлов Ю.А., Поляев С.С., Чубко Д.М. и др. Энтероскопические технологии лечения врожденного стеноза двенадцатиперстной кишки // Детская хирургия. 2021. 25(2) – С.99-103.

⁵ Борисевич М.А., Кумейко И.Д., Изенов А.М. и др. Врожденные атрезии желудочно-кишечного тракта у новорожденных//Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. - 2019. - № 6. - С. 78-84.

⁶Эргашев Н.Ш., Сагтаров Ж.Б. Ближайшие и отдаленные результаты лечения мальротации кишечника у детей // Российский вестник детской хирургии, анестезиологии и реаниматологии. 2016. №1. Стр.24-29.

⁷Эргашев Б.Б., Камолов Ш.Б. Еюнальная атрезия - современные взгляды на диагностику и лечение // Вестник НДМЦ. 2022. №3. Стр.64-67.

⁸Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 санадаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»

билан касалланган болаларни комплекс текшириш ва даволаш натижаларини яхшилаш бугунги куннинг долзарб йўналишларидан биридир.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республикада фан ва технологиялар ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган ва “Одам касалликларининг олдини олиш, ташхислаш, даволаш ва реабилитациясининг янги технологияларини ишлаб чиқиш” доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ТҚИТ ташхисоти ва даволашига бағишланган изланишлар дунёнинг етакчи тиббий илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: Section of Pediatric Surgery, Yale University School of Medicine, New Haven (АҚШ); Pediatric Surgery, Wilhelmina Children's Hospital University Medical Center (Нидерландия); Санкт-Петербург педиатрия тиббиёт академияси қошидаги Чақалоқлар хирургия марказида (Россия); Department of Pediatric Surgery, Hyogo College of Medicine, Nishinomiya, Hyogo (Япония); Department of Obstetrics and Gynecology, Catholic University of Korea, Seoul (Корея) томонидан амалга оширилмоқда. Туғма ичак тутилишига оид эмбриология, патогенез, клиник кўринишлар, ташхислаш ва даволаш билан боғлиқ масалаларга бағишланган илмий изланишлар халқаро ва русийзабон адабиётларда, шунингдек, республикамизда чоп этилаётган илмий манбаларда кенг ёритиб келинмоқда. Чақалоқлар ва кўкрак ёшидаги болаларда учрайдиган туғма ичак тутилишлари бўйича ташкилий чора-тадбирлар, анестезиологик ёрдам ва операциядан кейинги даврни оптималлаштириш ҳисобига даволаш натижаларида сезиларли ижобий ютуқларга эришилган. Ривожланган мамлакатларда ушбу хасталик билан боғлиқ ўлим даражаси 0,1-0,2% гача камайтирилган^{9,10,11}.

Мавжуд илмий манбалар туғма ичак тутилишининг турли шакллари ҳақида батафсил маълумотларни тақдим этади. Ичак тутилиши турлари, асосан, эмбрионал даврда ошқозон-ичак тизими органогенезининг бузилиши билан боғлиқ бўлиб, чақалоқлар аломатлари билан туғилади. Бироқ қисман ичак тутилишидаги ўзига хос динамик жараёнлар ташхислашда қийинчилик туғдиради. Шунингдек, таъкидлаш жоизки, қисман ичак тутилишига бағишланган илмий-амалий изланишларда ошқозон-ичак тизимининг турли локализацияларидаги клиник-анатомик шакллар учраш даражаси, уларнинг ўзига хос кечиш жараёнлари, ташхислашда қўлланиладиган текширув усуллари натижаларини объектив клиник маълумотлар билан уйғунлаштириш каби масалаларга етарли эътибор қаратилмаган. Бу эса касалликнинг турли асоратлари фонида унинг кечикиб аниқланишига олиб келмоқда^{12,13}. Охирги ўн йилликларда туғма ичак тутилишларида лапароскопик ва видеоассистирланган операция

⁹Ашкрафт К.У., Холдер Т. М. «Детская хирургия». I-том. Санкт-Петербург. – 1996. – С.341-365.

¹⁰Козлов Ю.А., Подкамнев В.В., Новожилова В.А. Непроходимость желудочно-кишечного тракта у детей: национальное руководство. М.: ГЭОТАР-Медиа, 2017. 189-224 с.

¹¹Володина Н.Н., Дегтярева Д.Н. Неонатология: национальное руководство: в 2 т. Том 2 / под ред. - 2-е изд., перераб. и доп. - Москва: ГЭОТАР-Медиа, 2023. – 424-426 с. DOI: 10.33029/9704-7829-5-NNG-2023-1-768.

¹²Эргашев Н.Ш., Сагтаров Ж.Б., Эргашев Б.Б. Синдром Ледда у новорожденных // Детская хирургия. 2015. № 2.– С.26-29.

¹³Разумовский А.Ю., Куликова Н.В., Холостова В.В., Аманова М.А., Хавкин А.И. Синдром Хилаидити, как причина хронической дуоденальной непроходимости у оперированных по поводу омфалоцеле детей// Экспериментальная и клиническая гастроэнтерология. 2021. №192 (8). С. 181-187.

усуллари кенг қўлланила бошланган бўлса-да,^{14,15} ушбу ёндашувларнинг турли шаклларга тегишли томонлари етарлича муҳокама қилинмаган. Юқоридаги илмий маълумотлар ТҚИТни эрта ташхислаш, оптимал тактик ёндашувларни ишлаб чиқиш ва самарали хирургик даволаш усулларини танлаш заруратини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикасида фан ва техникани ривожлантиришнинг устувор йўналишларига, шу жумладан, Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг №01980006703 “Болаларда туғма ва орттирилган касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш” илмий-тадқиқот режасига мувофиқ амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади – чақалоқлар ва кўкрак ёшидаги болаларда туғма қисман ичак тутилиши ташхисини такомиллаштириш ва жарроҳлик усулини танлаш асосида даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

клиник материаллар таҳлили асосида туғма ичак тутилишига чалинган чақалоқлар ва кўкрак ёшидаги болаларда аномалиянинг қисман ичак тутилиши билан кечадиган турларининг улуши ва нозологик шаклларини аниқлаш;

қисман туғма ичак тутилиши билан туғилган беморларда пренатал ва интранатал даврларда кузатилган хавф омилларининг касаллик кечишига таъсирини ўрганиш;

қисман ичак тутилишида турли нозологик шаклларнинг сабабларини, обструкция даражасини, узунлигини ва жойлашувини аниқлаш. Шунингдек, мазкур омилларга монанд ҳолда касалликнинг клиник кечиши хусусиятларини ва текширув усуллари натижалари асосида диагностика алгоритминини ишлаб чиқиш;

қисман ичак тутилишида қўлланилган тактик ёндашувлар ва оператив усулларни таҳлил қилиш асосида рационал даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш. Шу жумладан, операция олди тайёргарлик жараёнлари ва операциядан кейинги давр кечишини оптималлаштириш;

тавсия этилган оператив тактик ёндашувларнинг самарадорлигини баҳолаш, шунингдек, даволаш натижаларини қиёсий таҳлил қилиш орқали уларнинг асосланганлигини аниқлаш.

Тадқиқот объекти.

Туғма қисман ичак тутилиши билан оғриган ва жарроҳлик усулида даволашнинг турли даврларида бўлган 123 нафар болада; ҳамда турли гестация муддатларида антенатал скрининг текшируви ўтказилган 50790 ҳомилдорлардан 53 тасининг ҳомиласида ТҚИТ ривожланиш нуқсонлари қайд этилган анкеталар тадқиқот объекти сифатида танланган.

Тадқиқот предмети: жарроҳлик даволаш босқичларида бемор боланинг соматик статусини ва ҳазм тизими аъзоларининг анатомик-функционал

¹⁴Эргашев Б.Б., Эшкабилов Ш.Д., Мухтаров Ж.У. Лечебная тактика при дуоденальной непроходимости у новорожденных // Новый день в медицине. – Ташкент. 2013. – Том 3, №3. – С. 29-30.

¹⁵Chung P.H., Wong C.W., Ip D.K., et al. Is laparoscopic surgery better than open surgery for the repair of congenital duodenal obstruction? A review of the current evidences // J Pediatr Surg. 2017. Vol.52. No.3. P.498-505.

ҳолатига комплекс баҳо бериш; ТҚИТ билан туғилган чақалоқларда антенатал ва интранатал даврлар кечишини баҳолаш.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда умумклиник, лаборатор, ультратовуш, нурли диагностика (рентгенография, компьютер-томография) морфологик, эндоскопик ва статистик усуллардан фойдаланилган. ТҚИТ билан туғилган чақалоқларда антенатал ва интранатал даврлар кечишини таҳлили.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳомилада ТҚИТ ривожланишининг пренатал хавф омиллари ва ҳомиладорлик жараёнининг хусусиятлари, бошқа туғма ривожланиш нуқсонлари таркибида ушбу нуқсоннинг учраш даражаси аниқланган;

полигидроамниоз ҳомилада ТҚИТнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган ва ичак нуқсонларини истисно қилиш учун чақалоқни мажбурий туғруқдан кейинги эрта текширувдан ўтказишни талаб қиладиган энг муҳим ва осон аниқланадиган эхографик белги эканлиги исботланган;

чақалоқлар ва кўкрак ёшидаги болаларда ТҚИТнинг анатомик шакллари ва уларнинг клиник кечиши хусусиятлари тизимлаштирилган; ТҚИТнинг алоҳида шакллари учун ахборотли ташхислаш усуллари аниқланган ва ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилган;

чақалоқлар ва кўкрак ёшидаги болаларда ТҚИТни даволаш натижаларини оғирлаштирадиган ҳамроҳ нуқсонлар ва соматик касалликларнинг салмоғи ҳамда уларнинг хусусиятлари ўрганилган. Шунингдек, анъанавий жарроҳлик усулларига нисбатан видеолапароскопия жарроҳлигининг афзалликлари ва самарадорлиги илмий жиҳатдан исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳомиладор аёлларда хавф омилларини аниқлаш асосида ТҚИТнинг пренатал ташхислаш усуллари оптималлаштирилди, ушбу ривожланиш нуқсонининг энг муҳим пренатал белгилари аниқланган;

ТҚИТнинг тури ва кузатилиш салмоғи бўйича ўтказилган таҳлил натижалари қисман ичак тутилишининг клиник-анатомик шаклларини аниқлаш учун антенатал ва комплекс постнатал текширувлар ўтказиш мақсадга мувофиқлигини белгилаб берган;

ҳомиладорликнинг дастлабки босқичларида ва туғилгандан кейин ТҚИТни ташхислаш алгоритмлари ишлаб чиқилган бўлиб, улар турли хил асоратлар ривожланишининг олдини олиш учун туғруқдан олдинги ва кейинги даврда комплекс даволаш билан оптимал акушерлик тактикасини танлаш имконини берган;

ТҚИТ 76,4% ҳолларда алоҳида якка нуқсон шаклида, 23,6% да – ҳамроҳ касалликлар сифатида: 16,3% – қўшма аномалия ва 7,3% ҳолатда эса полипорок тарзида кузатилиши аниқланган, уларни жарроҳлик амалиёти пайтида мақсадли равишда излашни ва тегишли симульган аралашувларини ўтказиш зарурлиги асосланган;

ТҚИТ ва ҳамроҳ касалликлар турига монанд таклиф этилган оператив-тактик ёндашувлар даволашнинг бевосита натижаларини яхшиланган;

ТҚИТ билан оғриган чақалоқлар ва кўкрак ёшдаги болаларни жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини яхшилаш, жарроҳликдан кейинги асоратлар

ва ўлим ҳолатларини камайтириш имконини берувчи видеолапароскопия жарроҳлик усулининг афзалликлари аниқланган;

ташхислаши ва даволашдаги тактик хатоликлар, асоратларнинг тури ва сабабларининг таҳлили асосида ТҚИТ билан оғриган болаларни даволаш ва профилактикаси бўйича амалий кўрсатмалар тадбиқ қилинган;

даволашнинг натижаларини комплекс текшириш маълумотлари реабилитация чора-тадбирларининг оптимал дастурини тузиш имконини берган;

тадқиқот натижалари 2 та услубий тавсиялар кўринишида тақдим этилган ҳамда республика ва шаҳар даволаш муассасаларининг болалар жарроҳлиги бўлимлари амалий фаолиятига тадбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган назарий ёндашувлар, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, материалнинг етарли даражадалиги, шунингдек, текширилган беморлар сони етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган умумклиник, инструментал ва статистик тадқиқот усуллари асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса ва олинган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Олинган натижаларнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, чақалоқларда ва кўкрак ёшдаги болаларда ТҚИТни алоҳида, уйғунлашган ҳолда кечиши ва асоратлар юзага келганида ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволашни оптималлаштириш бўйича кўшимча маълумотлар киритиш имконини берган. Ҳомиладорлик даврининг кечиш хусусиятларини ўрганиш асосида ушбу нуқсон билан болаларнинг туғилиш хавф омиллари аниқланган. Туғма қисман ичак тутилишида анте- ва постнатал комплекс ташхислаш усулларининг келтирилган натижалари болалар жарроҳлик ва гастроэнтерологик бўлимлари амалий фаолиятига тадбиқ этиш учун асосланган илмий тавсия бўлиб хизмат қилади. Мазкур тадқиқот натижаларидан болалар жарроҳлиги мутахассислиги бўйича талабалар, магистрлар ва клиник ординаторлар тайёрлаш ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг амалий аҳамияти қуйидагиларда ифодаланади. ТҚИТда эрта ташхислаш ва оптимал жарроҳлик тактикасининг моҳияти жиҳатидан янги алгоритмлар ишлаб чиқилган, ҳомиладорликнинг дастлабки боскичларида ва туғилгандан кейин ТҚИТни аниқлашга ёрдам беради ва туғруқдан олдинги ва кейинги даврда ҳамроҳ учраган аномалияларни ҳисобга олган ҳолда оптимал даволаш тактикасини танлашга имкон берган. Клиник кўринишлар, кўшимча текшириш усулларининг натижалари ва ТҚИТга хос анатомик компонентларни тизимлаштириш чақалоқлар ва кўкрак ёшдаги болалардаги ичакларнинг буралиши ва фиксацияларининг алоҳида анатомик шакллари аниқлаш ҳамда тегишли жарроҳлик ёндашувини танлаш имконини берган. Олинган натижалар асосида амалий фаолиятга тадбиқ этиш учун тавсиялар тақдим этилган. ТҚИТни ташхислаш ва жарроҳлик даволашни такомиллаштириш бўйича тақдим этилган ишланмалар фаннинг турли соҳаларида, амалий соғлиқни

сақлашда ва ўқув жараёнида, хусусан, болалар жарроҳлик ва неонатология бўлимлари амалиётида қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий-техника кенгашининг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/36-сонли хулосасига асосан:

Илмий янгиликнинг моҳияти: ҳомилада ТҚИТ ривожланишининг пренатал хавф омиллари ва ҳомиладорлик жараёнининг хусусиятлари, бошқа туғма ривожланиш нуқсонлари таркибида ушбу нуқсоннинг учраш даражаси аниқланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: ҳомиладор аёлларда мавжуд хавф омилларини эрта аниқлаш орқали ТҚИТни пренатал ташхислаш усуллари оптималлаштирилган. Бу, ўз навбатида, ушбу ривожланиш нуқсонининг энг муҳим пренатал белгилари аниқланишига имкон берган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган пренатал ташхис усуллари дастури соғлиқни сақлаш тизими амалиётига жорий этилган. Жумладан, ушбу усул: Сурхондарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 17.09.2024 йилдаги №108-сонли буйруғи; Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Сурхондарё вилояти филиалининг 16.09.2024 йилдаги №4-сонли буйруғи асосида хирургия бўлимлари амалиётига жорий этилган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: ҳомиладор аёлларда хавф омилларини аниқлаш ташхислаш жараёнининг юқори прогностик аҳамиятига эга. Шунингдек, перинатал даврда ҳомиладорлик ва ҳомилада кузатилган хавф омиллари ҳамда ўтказилган медикаментоз даволаш ТҚИТ ривожланишига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатади. Интранатал даврдаги салбий омиллар, масалан, гипоксия ва асфиксия кучайиши, чақалоқнинг мослашувчанлик ҳолатларини пасайтириб, касалликнинг оғир кечиши ва иккиламчи асоратларни ривожлантиришига олиб келишини исботланган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: ташхислаш босқичида асосий гуруҳдаги бир нафар бемор учун харажатлар ўртача 373473 сўм 75 тийинни ташкил этган бўлса, таққослаш гуруҳида бу кўрсаткич 995812 сўм 50 тийинни ташкил этган. Шу тариқа, асосий гуруҳдаги бир нафар бемор учун иқтисодий самарадорлик – 622338 сўм 75 тийинни тежаш имконини берган. *Хулоса:* ҳомиладор аёлларда хавф омилларини аниқлаш учун ишлаб чиқилган текширув усуллари ҳомилада бир ёки бир нечта хавф омилларини ҳамда ўтказилган медикаментоз даволашнинг салбий таъсири ҳомилада ТҚИТнинг ривожланишида бевосита ёки билвосита сабаб бўлишини аниқлаш имконини берган. Шу билан бирга, мазкур текширув натижалари постнатал даврда мақсадли текшириш усуллари қўллаш зарурлигини белгилаб берган.

Илмий янгиликнинг кенг қўлланилиши: ривожланиш нуқсонлари мавжуд бўлган болаларни туққан аёллар учун хавф гуруҳларини аниқлаш ва кейинги ҳомиладорликка тайёрлаш учун ҳомиладор бўлмаган даврда текширув алгоритми ишлаб чиқилган. Ушбу алгоритмни шифохоналарда қўллаш ва

тиббийёт ходимларини ўқитиб малакасини ошириш тиббий хизмат сифатини янада оширишга хизмат қилади.

Илмий янгиликнинг моҳияти: полигидроамниоз ҳомилада ТҚИТнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган ва ичак нуқсонларини истисно қилиш учун чақалоқни мажбурий туғруқдан кейинги эрта текширувдан ўтказишни талаб қиладиган энг муҳим ва осон аниқланадиган эхографик белги эканлиги исботланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: ишлаб чиқилган усул орқали ТҚИТни эрта аниқлаш самарадорлиги оширилди. Бу эса постнатал ташхислаш жараёнини яхшилаш, нуқсон билан туғилган чақалоқларни шифохоналараро ташиш жараёнини самарали ташкил қилиш ва даволаш тактикасига ўз вақтида киришиш имконини берган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган антенатал ташхислаш алгоритми соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этилган. Ушбу алгоритм: Сурхондарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббийёт марказининг 17.09.2024 йилдаги №108-сонли буйруғи; Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Сурхондарё вилояти филиалининг 16.09.2024 йилдаги №4-сонли буйруғи асосида хирургия бўлимлари амалиётига жорий қилинган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: пренатал текширув усуллари ҳомилада туғма ичак нуқсонлари ва бошқа уйғунлашган аномалияларни аниқлаш имконини берган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: ишлаб чиқилган антенатал ташхислаш алгоритми дастурини амалда қўллаш беморнинг шифохонада ётиб даволаниш муддатини қисқартириб, ҳар бир бемор учун давлат бюджетидан ўртача 622338 сўм 75 тийин маблағни тежаш имконини берган. *Хулоса:* полигидроамниоз, ичак қовузлоқларининг маҳаллий кенгайиши ва ичак малротацияси билан боғлиқ ҳолларда доплер текшируви орқали "гирдоб" белгисини аниқлаш имконини берган. Шу билан бирга, ушбу текширув натижалари постнатал даврда мақсадли текширув усулларини қўллаш зарурлигини белгилаб берган. Постнатал даврда контрастли рентген текширувида ичак эвакуациясининг секинлашиши, унинг проксимал қисмининг кенгайиши, шунингдек, ирригографияда нотўлиқ ротация белгилари нафақат ТҚИТ мавжудлигини, балки унинг ичак малротацияси асосида ривожланганини ҳам кўрсатган.

Илмий янгиликнинг кенг қўлланилиши: ТҚИТ бўйича ишлаб чиқилган пренатал ва постнатал ташхислаш алгоритмлари касалликни эрта аниқлаш, асоратларнинг олдини олиш ҳамда тегишли даволаш тактикасини ишлаб чиқишга хизмат қилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: чақалоқлар ва кўкрак ёшидаги болаларда ТҚИТнинг анатомик шакллари ва уларнинг клиник кечиши хусусиятлари тизимлаштирилган; ТҚИТнинг алоҳида шакллари учун ахборотли ташхислаш усуллари аниқланган ва ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: ТҚИТ билан касалланган болаларни текшириш жараёнида ўткир жарроҳлик патологиясини истисно қилиш, касаллик сабабларини аниқлаш ва қорин бўшлиғи аъзоларининг бошқа касалликлари билан қиёсий ташхис ўтказиш жараёнлари ўрганилган. Таклиф қилинган ташхислаш алгоритмлари ушбу муаммоларни самарали ҳал қилиш имконини берган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган антенатал ва постнатал ташхислаш алгоритмлари Сурхондарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 17 сентябрдаги №108 буйруғи ва Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказининг Сурхондарё вилояти филиалининг 2024 йил 16 сентябрдаги №4 буйруғи асосида хирургия бўлимлари амалиётга жорий этилган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: ишлаб чиқилган ташхислаш алгоритмлари ва ЭХМ дастурлари ташхислаш жараёнини соддалаштириш ва оптимал даволаш тактикаси танлаш имконини берган. Шунингдек, мазкур алгоритмлар чақалоқлар ва кўкрак ёшидаги болаларда ТҚИТ сабабларини аниқлаш ҳамда қорин бўшлиғи аъзоларининг бошқа касалликлари билан қиёсий ташхис ўтказиш имкониятини берган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: асосий гуруҳда тавсия этилган алгоритм ва дастурларнинг ташхислаш самарадорлиги ўртача $73,21 \pm 5,92\%$ дан $97,01 \pm 2,08\%$ га ошган. Таққослаш ва асосий гуруҳлардаги солиштирув таҳлиллари натижасида обструкциянинг жойлашувини аниқлаш даражаси $85,71 \pm 4,68\%$ дан $97,01 \pm 2,08\%$ га, касалликни ташхислаш кўрсаткичи $78,57 \pm 5,48\%$ дан $92,54 \pm 3,21\%$ га ва анатомик шаклни аниқлаш самарадорлиги $73,21 \pm 5,92\%$ дан $83,58 \pm 4,53\%$ га ошганлиги исботланган. *Хулоса:* ТҚИТга хос анатомик компонентларни тизимлаштириш чақалоқлар ва кўкрак ёшидаги болаларда ичак бурилишлари ва фиксацияларининг алоҳида анатомик шакллари аниқлаш имконини берган. Бу эса тегишли жарроҳлик ёндашувларини танлаш ва жарроҳликдан кейинги асоратларни камайтириш имкониятини берган.

Илмий янгиликнинг кенг қўлланилиши: ТҚИТга оид ишлаб чиқилган пренатал ва постнатал ташхис алгоритмлари касалликни эрта аниқлаш, асоратларнинг олдини олиш ва мақсадга мувофиқ даволаш тактикасини танлаш имконини берган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: чақалоқлар ва кўкрак ёшидаги болаларда ТҚИТни даволаш натижаларини оғирлаштирадиган ҳамроҳ нуқсонлар ва соматик касалликларнинг салмоғи ҳамда уларнинг хусусиятлари ўрганилган. Шунингдек, анъанавий жарроҳлик усулларига нисбатан видеолапароскопия жарроҳлигининг афзалликлари ва самарадорлиги илмий жиҳатдан исботланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: ТҚИТ ҳолатлари $76,4\%$ да алоҳида якка нуқсон сифатида, $23,6\%$ да эса ҳамроҳ касалликлар шаклида аниқланган. Ҳамроҳ касалликлар орасида $16,3\%$ кўшма аномалиялар, $7,3\%$ эса кўплаб нуқсонлар сифатида аниқланган. Жарроҳлик амалиёти давомида мазкур касалликларни мақсадли равишда излаш ва тегишли симултан аралашувлар

Ўтказиш зарурлиги асосланган. ТҚИТ ва ҳамроҳ касалликларга мувофик равишда таклиф этилган жарроҳлик-тактик ёндашувлар даволашнинг самарадорлигини оширишга имконини берган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган ёндашувлар Сурхондарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 17 сентябрдаги №108 буйруғи ва Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказининг Сурхондарё вилояти филиалининг 2024 йил 16 сентябрдаги №4 буйруғи асосида хирургия бўлимлари амалиётга жорий этилган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: таклиф этилган жарроҳлик-тактик ёндашувларнинг қўлланилиши натижасида тадқиқотдаги асосий ва таққослаш гуруҳлар солиштирилганда жарроҳликдан кейинги асоратларнинг 19,64% дан 7,46% гача камайганлиги, ўлим ҳолатининг 3,6% дан 0% гача қисқарганлиги исботланган. Даволашнинг яхши натижаларининг эса 77,55% дан 96,82% гача ошганлиги, қониқарсиз натижаларнинг 22,45% дан 3,17% гача камайиш имконини берган. Ушбу натижалар видеолапароскопия жарроҳлигининг анъанавий жарроҳлик усулларига нисбатан афзалликларини исботланган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: асосий гуруҳда касалхонада ўтказилган ётоқ кунларининг ўртача кўрсаткичи $12,37 \pm 0,29$ кунни ташкил этган бўлса, таққослаш гуруҳида бу кўрсаткич $16,88 \pm 0,54$ кунни ташкил этган. Касалхонада бир беморнинг 1 ётоқ-куни учун даволаниш харажати 423 000 сўмни ташкил қилган. Асосий гуруҳдаги беморларнинг касалхонада умумий даволаниш харажатлари ўртача $12,37 \times 423\ 000 = 5\ 232\ 510$ сўм, таққослаш гуруҳида эса $16,88 \times 423\ 000 = 7\ 140\ 240$ сўмдан иборат бўлди. Бундан маълум бўладики, асосий гуруҳдаги ҳар бир бемор учун иқтисодий самарадорлик ўртача 1 907 730 сўм маблағни тежаш имконини берган. *Хулоса:* ТҚИТга хос анатомик компонентларни тизимлаштириш чақалоқлар ва кўкрак ёшидаги болаларда ичак бурилишлари ва фиксацияларининг алоҳида анатомик шакллари аниқлаш имконини берган. Бу эса тегишли жарроҳлик ёндашувларини танлаш ва жарроҳликдан кейинги асоратларни камайтиришда самарали ечим бўлган.

Илмий янгиликнинг кенг қўлланилиши: ТҚИТ эрта ташхислаш ва оптимал жарроҳлик тактикасини танлаш мақсадида янги алгоритмлар ишлаб чиқилган. Ушбу алгоритмлар ҳомиладорликнинг дастлабки босқичларида ва туғилгандан кейин ТҚИТни аниқлаш имконини яратиб, туғруқдан олдинги ва кейинги даврлардаги ҳамроҳ аномалияларни ҳисобга олган ҳолда, даволашнинг энг самарали усулини танлашга ёрдам берган. ТҚИТни ташхислаш ва жарроҳлик даволаш усуллари такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган янги илмий таклифлар тиббиётнинг турли соҳаларида, хусусан, амалий соғлиқни сақлашда ва таълим жараёнида қўлланилиши мумкин. Мазкур ёндашувлар болалар жарроҳлиги ва неонатология бўлимларининг клиник амалиётида кенг жорий этилиши мумкин бўлиб, улар касалликни эрта аниқлаш, асоратларнинг олдини олиш ва самарали жарроҳлик даволашни таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация материаллари асосида жами 30 та илмий иш нашр этилган, жумладан: 9 та илмий мақола, шулардан 7 таси Олий Аттестация Комиссияси рўйхатига киритилган республика нашрларида, 2 таси халқаро илмий журналларда чоп этилган, 2 та услубий тавсия, 2 та ЭҲМ дастури учун гувоҳнома олинган ва 17 та тезис нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади, жумладан 19 та жадвал ва 32 та расмлардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти, мақсади ва вазифалари асосланган; тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган; республикадаги фан ва технологияларнинг устувор йўналишлари билан мувофиқлиги кўрсатилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Туғма қисман ичак тутилишини ташхислаш ва даволашнинг замонавий тамойиллари**»га бағишланган. Бу бобда ТҚИТнинг анатомик-морфологик хусусиятлари, нозологик шакллари ташхислаш ва радикал жарроҳлик даволаш, шунингдек, симультан аралашувларни талаб қилувчи касалликларнинг кечиши хусусиятлари ҳақидаги адабиётлар маълумотлари келтирилган. ТҚИТ нуқсонлари бўйича операцияларга кўрсатмалар, нуқсон табиатига мос равишда операция усуллари ва кейинчалик ўз ечимини талаб этувчи мунозарали масалалар ҳам баён этилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Клиник материалларнинг умумий тавсифи ва тадқиқот усуллари**» деб номланган бўлиб, ушбу бобда клиник материаллар таҳлил қилинган, клиник, инструментал ва статистик усуллар санаб ўтилган ва тавсифланган. Тадқиқот иши Республика Перинатал маркази қошидаги Республика неонатал жарроҳлик ўқув-даволаш ва методик маркази ҳамда Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Госпитал болалар хирургияси кафедраси клиник базасида 2015–2022 йиллар давомида туғма ичак тутилиши клиник белгилари билан намоён бўлган қорин бўшлиғи аъзоларидаги турли касалликлари бўлган 463 нафар бемор болаларнинг даволаниши натижаларига асосланган. Ушбу беморлардан 123 (26,6%) нафари ТҚИТ ташхиси билан даволанган бўлиб, уларнинг ёши 1 кунликдан 1 ёшгачани ташкил этди.

Мазкур илмий тадқиқот иши ТҚИТ билан оғриган 123 нафар беморларни ташхислаш ва даволаш натижалари таҳлилига асосланган.

ТҚИТнинг турли шаклларида даволаш ва ташхислаш муолажаларининг тактикаси ва усулларига қараб, беморлар 2 та назорат ва асосий гуруҳга бўлинган. Таққослаш гуруҳидаги 56 нафар (45,5%) беморга даволаш ва ташхислаш тактикасини анъанавий усуллари қўлланилган (2015-2018 йиллар). Асосий гуруҳдаги 67 нафар (54,5%) беморга замонавий ташхислаш усуллари ва даволаш жараёнида янги тактик ёндашув қўлланилган (2019-2022 йиллар).

Кузатувимиздаги беморларнинг 99 (80,49%) нафарини чақалоқлар ва 24 (19,51%) нафарини эса кўкрак ёшдаги беморлар ташкил этди. Жами беморларнинг 41,46% (51 нафар) ўғил болалар бўлиб, қиз болалар эса 58,54% (72 нафар) иборат бўлди.

Диссертациянинг учинчи бобида “**Туғма қисман ичак тутилишларини ташхислаш усуллари**”нинг натижалари таҳлил қилинган. Туғма ичак тутилиши ташхиси 463 нафар беморда аниқланган бўлса, ушбу беморларнинг 123 (26,6%) нафарида ТҚИТ ташхис қўйилган: антенатал даврда – 53 (43,0%) хомилада, постнатал даврда – 70 (57,0%) нафар чақалоқда.

Аёлларнинг анамнезидан хомиладорликнинг эрта муддатларида таъсир кўрсатувчи хавф омиллари аниқланди ва ушбу омилларнинг гуруҳлар бўйича тавсифи 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Хомилада ТҚИТнинг пренатал ташхисида клиник белгилар бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган хомиладорликнинг дастлабки босқичларида хавф омиллари

Кўрсаткичлар	Тадқиқот гуруҳлари					
	ТГ			АГ		
	abs	M±m,%	P	abs	M±m,%	P
Пестицидлар билан алоқа	3	5,36±3,01	$\chi^2 = 29,000; p = 0,000$	5	7,46±3,21	$\chi^2 = 27,985; p = 0,000$
TORCH-инфекция	6	10,71±4,13		11	16,42±4,53	
Дори-дармонларни қабул қилиш	28	50±6,68		17	25,37±5,32	
Полигидраминоз	19	33,93±6,33		34	50,75±6,11	

123 бемордан 105 (85,4%) нафар беморда юқори қисман ичак тутилиши ва 18 (14,6%) нафарида пастки ичак тутилиши аниқланиб, уларда қисман ичак тутилиши белгилари устунлик қилди. ТҚИТнинг алоҳида нозологик шакллари юқори ва пастки жойлашувлар билан ифодаланади (2-жадвал).

2-жадвал

ТҚИТ билан беморларнинг ёши ва касалликнинг шаклларига кўра тақсимланиши (n=123)

Қисман ичак тутилишининг жойлашув соҳаси ва тавсифи	Чақалоқлар		3 ойликгача		3-6 ойликгача		6-9 ойликгача		9-12 ойликгача		Жами		
	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%	P
1. Юқори ИТ:													
УИБИ стенозлари	2	1,63	1	0,81	1	0,81	0	0,00	0	0,00	4	3,3	$\chi^2 = 110,190; p = 0,000$
ЎИБИ мембраналари	15	12,20	2	1,63	0	0,00	0	0,00	0	0,00	17	13,8	
ЎИБИнинг	14	11,3	4	3,25	0	0,00	1	0,81	0	0,00	19	15,4	

ташқаридан сикилиши		8											
УИБИ сиқилиши билан уйғунлашган ИМ	52	42,2 8	9	7,32	1	0,81	0	0,00	0	0,00	62	50,4	
аралаш, кўп ўринли шакллари	3	2,44	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	3	2,4	
Р	Хи-квадрат Пирсона = 18,669; p = 0,097												
2. Пастки ИТ:													
ичак стенозлари	3	2,44	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	3	2,44	$\chi^2 = 2,000;$ $p = 0,572$
ичак мембранаси	3	2,44	0	0,00	0	0,00	0	0,00	1	0,81	4	3,25	
ичакнинг ташқаридан сиқилиши	5	4,07	1	0,81	1	0,81	0	0,00	0	0,00	7	5,69	
пастки ИТ билан уйғунлашган ИМ	2	1,63	2	1,63	0	0,00	0	0,00	0	0,00	4	3,25	
Р	Хи-квадрат Пирсона = 9,527; p = 0,390												
Жами	99	80,49	19	15,45	3	2,44	1	0,81	1	0,81	12 3	100,0 0	

ТҚИТни клиник белгилари ва уларнинг тадқиқот гуруҳларидаги беморларда намоён бўлиши 3-жадвалда батафсил кўрсатилган.

Жадвалдан кўришиб турибдики, касалликнинг аниқ классик белгилар билан намоён бўлиши жами 57 нафар болаларда кузатилган бўлиб, бу белгилар қориндаги оғриғи, қориннинг дам бўлиши, боланинг безовталаниши, қусиш, ахлат ва газларнинг ушланиб қолишидан иборат бўлди.

3-жадвал

ТҚИТ билан беморларда клиник белгиларнинг намоён бўлиши

Кўрсаткичлар	Тадқиқот гуруҳлари					
	ТГ			АГ		
	abs	M±m,%	P	abs	M±m,%	P
ТҚИТ клиник белгилари (қорин шиши, безовталиқ, қусиш, ахлат ва газларнинг ушланиб қолиши)	28	50,0±6,68	$\chi^2 = 53,714;$ $p = 0,000$	29	43,28±6,05	$\chi^2 = 45,030;$ $p = 0,000$
Ўткир ости ёки қайталанувчи қорин оғриғи	11	19,64±5,31		13	19,40±4,83	
Ичакдан қон кетиши	3	5,36±3,01		4	5,97±2,89	
Ичак малабсорбцияси	1	1,79±1,77		2	2,99±2,08	
Қорин бўшлиғида ўсмасимон ҳосила	3	5,36±3,01		5	7,46±3,21	
2 та белгининг турли комбинациялари	10	17,86±5,12		14	20,9±4,97	
Р	Хи-квадрат Пирсона = 0,850; p = 0,974					


Чақалоқлардаги ТҚИТни ташхислаш ва даволаш натижалари таҳлили асосида антенатал даврнинг аҳамияти ва акушерлик тактикасига, шунингдек, ТҚИТнинг эрта постнатал ташхислаш ва ушбу нуқсон билан туғилган чақалоқларни шифохоналараро транспортировкаси хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилди. Шу асосда ҳомилада ТҚИТни антенатал ташхислаш ва акушерлик тактикаси алгоритми (1-расм) ҳамда ТҚИТга эга чақалоқларни постнатал ташхислаш ва даволаш тактикаси алгоритми (2-расм) ишлаб чиқилди.

Ушбу текширувлар мажмуаси ТҚИТ ташхисини аниқлаш имкониятини беради. Бироқ, ташхисдан кейин оптимал даволаш тактикасини танлаш мақсадда қуйидаги электрон дастурлар ишлаб чиқилди: «Чақалоқлар ва кўкрак ёшидаги болаларда туғма қисман ичак тутилиши учун қиёсий ташхислаш ва текширувлар режасини асослаш», 18.08.2023 йилдаги №26780


UZ DGU патенти; «Чақалоқлар ва кўкрак ёшидаги болаларда туғма қисман ичак тутилиши клиник ва анатомик шакллари ташхислаш мезонлари», 18.08.2023 йилдаги №26779 UZ DGU патенти.

Дастур ТҚИТ билан касалланган болаларга тиббий ёрдам кўрсатишни оптималлаштириш учун мўлжалланган. Дастур 6 та омилни қайта ишлашни ўз ичига олади, уларнинг ҳар бири муайян баҳолаш мезонларидан иборатдир. Ушбу электрон ҳисоблаш дастури ТҚИТ мавжуд бўлган беморлар билан ишлайдиган шифокорлар учун мўлжалланган. Дастурдан фойдаланиш имкон қадар соддалаштирилган. Балл минимал даражада 5-6 ёки ундан юқори бўлганда, ўзига хос клиник ва анамнез мезонлар ТҚИТ сабабини аниқлашга ёрдам беради.

ТҚИТни ташхислаш бўйича ишлаб чиқилган электрон ҳисоблаш дастури қўлланилиши натижасида асосий гуруҳдаги беморларда ташхис аниқлиги таққослаш гуруҳига нисбатан юқори бўлди (92,54% ва 78,57% мос равишда), яъни ушбу кўрсаткич асосий гуруҳда 13,97% га юқорирок эди (4-жадвал).



1-расм. Ҳомила ва чақалоқларда ТҚИТда анте- ва постнатал қиёсий ташхислаш ва даволаш тактикаси алгоритми



2-расм. Чақалоқлар ва кўкрак ёшидаги болаларда ТҚИТни постнатал ташхислаш алгоритми

4-жадвал

**Чақалоқлар ва кўкрак ёшидаги болаларда нотўғри қўйилган ТҚИТ
ташхиси частотаси**

Кўрсаткичлар	Тадқиқот гуруҳлари					
	ТГ			АГ		
	abs	M±m,%	P	abs	M±m,%	P
Ташхис аниқ	44	78,57±5,48	$\chi^2=18,28$ 6; P=0,000	62	92,54±3,21	$\chi^2=48,49$ 3; P=0,000
Ташхис ноаниқ	12	21,43±5,48		5	7,46±3,21	
P	Хи-квадрат Пирсона = 4,995; p = 0,025					

Асосий гуруҳда тавсия этилган алгоритм ва дастурларнинг ташхислаш киймати ўртача 73,21±5,92% дан 97,01±2,08% га ошди. Бунда таққослаш ва асосий гуруҳга нисбатан солиштирилганда обструкциянинг жойлашуви – 85,71±4,68% дан 97,01±2,08% га, касалликни ташхислаш – 78,57±5,48% дан 92,54±3,21% га, анатомик шаклини аниқлаш – 73,21±5,92% дан 83,58±4,53% га ошди (5-жадвал).

5-жадвал

**Чақалоқларда ва кўкрак ёшидаги болаларда ТҚИТда таққосланаётган
гуруҳларда ташхислаш чораларининг умумий киймати n=123**

Кўрсаткичлар	Тадқиқот гуруҳлари				Хи-квадрат Пирсона	
	ТГ		АГ		χ^2	P
	abs	M±m,%	abs	M±m,%		
Обструкциянинг жойлашуви	48	85,71±4,68	65	97,01±2,08	5,215	0,042
Касалликни ташхислаш	44	78,57±5,48	62	92,54±3,21	4,995	0,025
Анатомик шаклини аниқлаш	41	73,21±5,92	56	83,58±4,53	1,967	0,161

Таклиф этилаётган ташхислаш алгоритмлари ва ЭХМ дастурлари мажмуасининг самарадорлигини баҳолаш мақсадида беморларнинг шифохонада ташхислаш муддатлари 24-48 ва 48 соатдан кўп бўлган беморларнинг текширув натижаларининг ташхислаш муддатининг қиёсий таҳлили ўтказилди (6-жадвал).

6-жадвал

**Асосий (n=67) ва таққослаш (n=56) гуруҳидаги беморларнинг
шифохонада ташхислаш муддатлари (соат) n=123**

	ТГ (n=56)	АГ (n=67)
Соат	56,50±2,67	21,19±2,18*

Эслатма: * - билан таққослаш гуруҳига нисбатан (***) - P<0,05; ** - P<0,01; * - P<0,001)
ўртача арифметик кийматлар орасидаги ишонччилик фарқи белгиланган.

Касалхонада беморнинг 1 ётоқ куни (24 соат) учун харажати 423000 сўмни ташкил этади бу харажат (1 соат 17625 сўм) иборат. Асосий гуруҳда ташхислаш ўтказилган соатларининг ўртача кўрсаткичи 21,19±2,18 соатни ташкил этган бўлса, таққослаш гуруҳида бу кўрсаткич 56,50±2,67 соатни ташкил қилди. Асосий гуруҳдаги 1 нафар бемор учун ташхислаш босқичдаги харажатлари ўртача – 21,19*17625= 373473,75 сўмни, таққослаш гуруҳида эса – 56,50*17625=995 812,5 сўмни ташкил этди. Бундан кўриниб турибдики,

асосий гуруҳдаги 1 нафар бемор учун ташхислаш босқичидаги иқтисодий самарадорлик 622 338,75 сўмни ташкил қилди.

Диссертациянинг тўртинчи боби “**Туғма қисман ичак тутилишларини жарроҳлик даволаш тактикаси ва усуллари танлаш**” деб номланган бўлиб, бунда даволашнинг умумий тамойиллари, жарроҳлик даволаш усуллари ва жарроҳликдан кейинги даврнинг кечиши кўриб чиқилган. Асосий гуруҳда 67 (54,5%) нафар беморда жарроҳлик амалиёти ўтказилган, таққослаш гуруҳида 56 (45,5%) нафар беморда жарроҳлик билан яқунланди.

ТҚИТ 94 (76,4%) нафар беморда изоляцияланган нуқсон шаклида келган бўлса, 29 (23,6%) нафар беморда ҳамроҳ нуқсоннинг биргаликда учраши кузатилди. Ҳамроҳ нуқсонларнинг асосий қисми юрак-қон томир тизими ва марказий асаб тизимида эканлиги қайд этилди (7-жадвал).

7-жадвал

ТҚИТ билан беморларда аниқланган ҳамроҳ нуқсонлар (n=29)

Кўрсаткичлар	Тадқиқот гуруҳлари				Хи-квадрат Пирсона	
	ТГ		АГ		χ^2	P
	abs	M(%)	abs	M(%)		
Сийдик таносил тизими	1	1,79±1,77	2	2,99±2,08	0,184	1,000
Юрак қон-томир тизими	2	3,57±2,48	5	7,46±3,21	0,861	0,453
Марказий асаб тизими	2	3,57±2,48	3	4,48±2,53	0,064	1,000
Ошқозон-ичак тизими	0	0,0±0,0	3	4,48±2,53	2,570	0,250
Суюк-мушак тизими	1	1,79±1,77	1	1,49±1,48	0,016	1,000
2 ва ундан кўп нуқсонлар	4	7,14±3,44	5	7,46±3,21	0,005	1,000

ТҚИТ видеолапароскопия ва очик (анъанавий) жарроҳлик аралашувининг қиёсий натижалари 8-жадвалда келтирилган.

Турли хил клиник тавсиялар, протоколлар ва стандартларни мавжудлиги ва чекланган вақтга эга бўлган болалар жарроҳига ТҚИТ билан беморларни жарроҳлик даволаш учун қисқа алгоритм зарурати мавжуд.

Жарроҳликдан кейинги даврнинг кечиши силлик. Беморлар 12-15 кунни қониқарли ҳолатда уйга чиқарилди. Уйга чиқарилишдан олдин жароҳат чоклари олинди, жароҳат бирламчи битди. Жарроҳликдан кейинги даврда яшаш жойида 10 кун давомида прозерин ва лидазани алмаштириш билан 15-20 кун давомида қорин олд деворининг электрофорези тавсия этилди. Яшаш жойида неонатолог (гастроэнтеролог) томонидан кузатувга олиниши тавсия берилди.

